

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил март ойининг 10 куни, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди, очик суд мажлисида, ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ж.Арсланов, судья ёрдамчиси А.Тилавовнинг котиблигида, томонлардан Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси И.Қувондиқов, судланувчи Ш.Тошмуродов ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Сагторовларнинг иштирокида, Тошмуродов Шаҳриёр Зафар ўғлига оид 1-1401- 2605/200-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Тошмуродов Шаҳриёр Зафар ўғли (Тошмуродов Шаҳриёр Зафар ўғли), 2005 йил 19 октябрь куни Самарқанд вилояти, Иштихон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, Самарқанд давлат чет тиллар университети “Франсуз тили” факультети 2-босқич талабаси, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Самарқанд шаҳри, “Қорасув” массиви, “Обод маскан” МФЙ, 192-уй, 60-хонадонда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2026 йил 2 март куни олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Тошмуродов Шаҳриёр Зафар ўғли, таниши қисми айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилган бошқа шахс билан бир гуруҳ бўлиб, осон йўллар билан пул топишни ўзига мақсад қилиб, ғаразли ниятда фоҳишахона ташкил қилиш мақсадида, 2026 йил 7 январь куни соат 21:00 ларда, ижарада яшаб келаётган Самарқанд шаҳри, “Қорасув” массиви, “Обод маскан” МФЙ, 53-уй, 10-хонадонидан - тезкор тадбирга жалб қилинган “Х” исмли шахсга жинсий алоқа қилиши учун шароит яратиб бериб, эвазига “Х” исмли тадбир иштирокчисидан тадбирда ишлатиш учун берилган 400.000 сўм пулларни олган вақтида, Самарқанд вилояти транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ЖКБ тезкор ходимлари томонидан ушланиб, Ш.Тошмуродовдан тадбирда ишлатилган 400.000 сўм пуллар холислар иштирокида далилий ашё тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

Судда сўралган судланувчи Тошмуродов Шаҳриёр Зафар ўғли ўз кўрсатувида, айбига тўлиқ иқрорлиги, онаси Холматова Фазилатга



тегишли бўлган Самарқанд шаҳри, “Қорасув” массиви, “Обод маскан” МФЙ, 192-уйда 2025 йил апрель ойидан буён бир ўзи яшаб келганлиги, 2025 йил декабрь ойи бошларида шу МФЙнинг 53-уй, 10-хонадонида маҳалладоши Ойбек яшашлиги, унинг квартирасига бориб туришлиги, шу квартирада Ойбек ва Хамдамов Наврузлар биргаликда ижарада туришликлари, 2026 йил 5 январь куни 53-уй, 10-хонадонга борганида, Ойбек ва Жасур квартирадан яшаш хонадонига чиқиб кетишганлиги, иккита хона бўш бўлганлиги сабабли, Хамдамов Навруз билан ўтириб, уларда фуқароларни кунлик, соатлик ижарага қўйиш нияти пайдо бўлганлиги, Н.Хамдамов телеграм иловаси орқали “Самарқанд кунлик квартира” каналини топиб берганлиги, сўнг унда иккита рақам бўлганлиги сабабли, +99850-778-88-38 телефон рақамига очилган телеграм иловаси орқали ушбу телеграм каналга “кунлик ҳамда соатлик ижарага уй бор” деб эълон қўйганлиги, унга олдиндан нотаниш бўлган ўзини “Макс” деб таништирган фуқаро телеграм илова орқали унинг профилига хабар юбориб, унга соатлик квартира кераклиги бўйича мурожаат қилганлиги, у квартира борлигини айтганлиги, “Макс” унга телеграм орқали “Қизчам билан қўясизми” деб хабар юборганлиги, бу ҳақда Н.Хамдамовга айтганлиги, соатини 100.000 сўмдан қўйишга келишишганлиги, Н.Хамдамов унга келайверишларини айтганлиги, у “Макс”га келишини, шарт-шароитини қилиб беришини, соати 100.000 сўмдан бўлишини айтганлиги, 2026 йил 7 январь куни соат 21:00 ларда, “Макс” унга қўнғироқ қилиб, қизи билан 53-уйни ёнига келганлигини айтганлиги, шундан сўнг, таниши Н.Хамдамов уларни олиб чиқиш учун пастга тушганлиги, Н.Хамдамов унга қўнғироқ қилиб, ушбу аёл ва эркакнинг никоҳ қоғози йўқлигини маълум қилганлиги, шунда кирайверишини айтганлиги, “Макс” қизчаси билан квартирага кирганидан сўнг уларга шароит тайёрлаб, ҳаммомни кўрсатганлиги, шунда “Макс” унга келишилган 400.000 сўмни берганлиги, кейин у Н.Хамдамов билан бошқа, яъни танишлари Долиев Достон ўтирган хонага ўтишганлиги, Н.Хамдамов ундан пулни олган-олмаганлигини сўраганлиги, унга олганлигини айтганлиги, кейин чой ичиш учун пастга тушмоқчи бўлишганида эшик тақиллаб қолганлиги, эшикни очганларида ИИБ ходимлари икки нафар холислар иштирокида кириб келишиб, уларга тадбир ўтказилаётганлигини маълум қилиб, 400.000 сўм пулларни сўрашганлиги, у ўзини эғнида бўлган кийимини чўнтагидан 400.000 сўмни чиқариб берганлиги, ИИБ ходимлари ушбу пулларни нусхалари билан солиштириб кўриб, тадбирга берилган пуллар эканлигини маълум қилишганлиги, кейин холислар иштирокида пуллар ҳужжатлаштириб олинганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, талаба эканлиги, шартнома орқали таҳсил олиши, контракт тўловларини ҳам ўзи ишлаб тўлашлиги, уйдагиларни шароити оғирлигини инобатга олиб, унга қонуний енгиллик бериб, жарима билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.



Судда, судланувчи Ш.Тошмуродов содир этган жиноятларига тўлик иқрорлик билдирган бўлишса-да, бундан ташқари уларнинг айблари қуйидаги далиллар билан ўз тасдиғини топади.

Судда гувоҳ тариқасида сўралган Хамдамов Наврузбек Абдурафик ўғлининг, жиноят ишининг унга оид қисми айблилик масаласи ҳал қилинмасдан терговда тугатилганлиги, 2025 йил декабрь ойи ўрталарида Самарқанд шаҳри, “Қорасув” массиви, “Обод маскан” МФЙ, 53-уй, 10-хонадонда Ойбек ва Жасур исмли танишлари билан биргаликда яшаб келганлиги, таниши Тошмуродов Шаҳриёр ора-орада квартирасига меҳмонга келиб турганлиги, 2026 йил 5 январь куни Жасур ва Ойбеклар қишлоғига кетишганлиги, у бир ўзи қолганлигини, шу вақти Ш.Тошмуродов билан келишиб, квартира тўловига озгина енгиллик бўлиши учун Ш.Тошмуродовнинг телеграм ижтимоий тармоғига ижарага кунлик ва соатлик квартира борлигини ҳақида хабар қўйишганлиги, кейин Ш.Тошмуродов унга нотаниш бўлган шахслар билан гаплашиб, “Корзинка” дўкони олдида бир нафар аёл ва эркак келганлигини, уларни уйга олиб чиқишини илтимос қилганлиги, улардан никоҳ қоғозини сўраганида улар йўқлигини маълум қилишганлиги, бу ҳақда Ш.Тошмуродовдан сўраганида у олиб чиқишини айтганлиги, кейин уларни квартирага олиб чиққанлиги, Ш.Тошмуродов уларга шароит яратиб, 400.000 сўмини олганлиги, улар бошқа хонада бироз ўтириб, чой ичиш учун пастга тушмоқчи бўлишганида эшик тақиллаганлиги, эшикни очишганида ИИБ ходимлари кириб келиб, тадбир ўтказилаётганлигини маълум қилишиб, пулларни сўрашганлиги, Ш.Тошмуродов пулларни тақдим қилганлиги, ИИБ ходимлари холисларнинг иштирокида ҳужжатлаштириб олишганлиги ҳақидаги;

Судда гувоҳ тариқасида сўралган Сариев Зухриддин Шадияровичнинг, Самарқанд вилоят транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ТҚБ ЖКБда катта тезкор вакил бўлиб ишлашлиги, 2026 йил 7 январь куни шахси сир сақланаётган фуқаролар бошқармага мурожаат қилиб, Самарқанд шаҳри, “Қорасув” массиви, “Обод маскан” МФЙ, 53-уй, 10-хонадонда яшовчи Тошмуродов Шаҳриёр ва Хамдамов Наврузбеклар пул эвазига ижарада яшаётган хонадонларига жинсий алоқа қилиш учун шарт-шароит яратиб келишаётганлиги ҳақида хабар қилишиб, ариза тақдим қилиб, тадбирда иштирок этишга рози бўлишганлиги, “Х” исмли тадбир иштирокчиси Ш.Тошмуродов билан телефон орқали суҳбатлашиб, манзилени локациясини ташлаб олганлиги, Ш.Тошмуродов 4 соат вақт мобайнида жинсий алоқа қилишлик учун 400.000 сўм миқдоридаги пулларни талаб қилганлиги, “Х”га холисларнинг иштирокида 1 дона 200.000 сўмлик ва 2 дона 100.000 сўмлик купюрадан иборат жами 400.000 сўм пуллар кимёвий ишлов берилиб топширилганлиги, овоз ёзиб олиш учун телефон аппарати ҳам топширилганлиги, “Х” ни Ш.Тошмуродовнинг ўртоғи Н.Хамдамов кутиб олганлиги, кейин хонадонга киришганлиги, уларга жинсий алоқа қилиш учун шароит яратиб



беришганлиги, “Х” 400.000 сўм пулларни Ш.Тошмуродовга берганлиги, Ш.Тошмуродов уларни ичкарига киритиб, жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб берганлиги, шунда хонадонга холислар иштирокида кириб бориб, Ш.Тошмуродовни жиноят устида ушлашганлиги, ундан тадбир пуллари баённома асосида ҳужжатлаштириб олинганлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан;

Шунингдек, судланувчи Ш.Тошмуродовнинг айби, жиноят ишда мавжуд бўлган тезкор тадбир ўтказиш учун рухсат олиш билдирги, қарор ва режа-топшириқ билан, пулларни бериш ва олиш, овоз ёзиш мосламасини бериш ва олиш баённомалари, Ш.Тошмуродов ва тадбир иштирокчиси ўртасидаги суҳбатлар ёзиб олинган аудио ёзувларни стенограмма қилиш баённомаси, нарсаларни ашёвий далил деб эътироф этиш ва уларни жиноят ишга қўшиш ҳақидаги қарор ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа бир қатор объектив далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ш.Тошмуродовнинг бир гуруҳ бўлиб, фоҳишахона ташкил қилишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ш.Тошмуродовга нисбатан жазо тайинлашда, унинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ёшини, муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, жиноятни ғаразли мақсадда содир этганлигини ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Ш.Тошмуродовга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 феврал кунги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” ҳамда 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” - деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, ЖКнинг 131-моддаси 3-қисми билан қонун санкциясида кўзда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, муқаддам судланмаганлиги, ёшини, талаба эканлигини, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ота-онасини қарамоғида эканлигини, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, унга ЖКнинг 57-моддасини татбиқ этиб, қонун санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш



жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроғини тайинлашни;

-Конституциянинг 42-моддасида, “...Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади” деб кўрсатилган талабларидан келиб чиқиб, судланувчи Ш.Тошмуродовнинг келгусида корхона, муассаса ва ташкилотга ишга киришга бўлган ҳуқуқи борлигини инобатга олиб ва келгусида ишга кирган тақдирда, ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориш ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишини чеклашни, ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига мувофиқ, жазони ижро этиш органи томонидан унга тайинланаётган жазонинг ижросини тўлиқ назорат қилиш имкониятини яратиш мақсадида назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, яшаб турган вилоят ҳудудини тарк этмаслик каби қўшимча тақиқларни юклашни, қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни;

-иш бўйича ашъвий далил деб эътироф этилиб, тадбирда ишлатилган 400.000 сўм миқдоридаги пуллар Самарқанд вилояти транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ТҚБ ЖКБ ходимларига тилхат орқали топширилганлигини инобатга олишни, сўзлашувлар ёзиб олинган бир дона “DVD-R” дискни келгусида жиноят иши материаллари билан биргаликда сақлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211, 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд,-

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи **Тошмуродов Шаҳриёр Зафар ўғли** (Toshmurodov Shahriyor Zafar o‘g‘li), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Унга, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси татбиқ этилиб, 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ - судланувчи Ш.Тошмуродовнинг яшаш жойида, яъни Самарқанд шаҳри, “Қорасув” массиви, “Обод маскан” МФЙ, 192-уй, 60-хонадонда белгилансин ҳамда уй-жойидан, ўқиш ва ишлаш вақтидан, шунингдек ўқиш жойи ва иш жойигача бориш ва уй-жойига қайтиб келиш учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда чиқиши чеклансин.

Ш.Тошмуродовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига асосан;



-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилояти ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Судланувчи Ш.Тошмуродовнинг тақиқларга, (чеклашларга) риоя этиши устидан назорат олиб бориш Самарқанд шаҳар ИИБ ҳузуридаги Пробация бўлими ходимлари зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати, судланувчи Ш.Тошмуродов жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи Ш.Тошмуродовга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, тадбирда ишлатилган 400.000 сўм миқдоридаги пуллар Самарқанд вилояти транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ТҚБ ЖҚБ ходимларига тилхат орқали топширилганлиги инобатга олинсин. Сўзлашувлар ёзиб олинган бир дона “DVD-R” диск келгусида жиноят иши материаллари билан биргаликда сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач эса кассация тартибида ушбу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят беришга ёки прокурор эса протест келтиришликка ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи судья:
Нусхаси аслига тўғри**

имзо

Ж.Арсланов

